

**“Ўзтрансгаз” АЖнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан
МАЪЛУМОТНОМА**

“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан 2022 йилда маҳаллий истеъмолчиларга табиий газни узлуксиз етказиб беришни таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришнинг энергия интенсивлигини камайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш, ёқилғи ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Табиий газ бозорини ислоҳ қилишнинг кўшима чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-280-сон қарорига асосан, табиий газни марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функциясини бажарувчи “UzGasTrade” акциядорлик жамияти ташкил этилиб, “Ўзтрансгаз” АЖ табиий газни ташиш, сақлаш ва транзит қилишга ихтисослашган ягона магистрал газ узатиш тизими оператори этиб белгиланди.

Шунга кўра, “Ўзтрансгаз” АЖ 2022 йил 1 августдан бошлаб табиий газни ташиш, сақлаш ва транзит қилиш вазифасига ихтисослашиб, табиий газ сотиб олиш ва сотиш вазифаларини бажармайди.

“Ўзтрансгаз” АЖнинг 2022 йил бўйича молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагича:

- **Соф тушум** 16 588,4 млрд. сўмни ташкил этиб бизнес-режа кўрсаткичига (19 402,3 млрд. сўм) нисбатан 2 814 млрд. сўмга ёки 14,8 фоизга камайган.

- **сотилган маҳсулотлар таннари** 17 224,0 млрд. сўмни ташкил этиб, режага (29 679,1 млрд. сўм) нисбатан **12 452,2** млрд. сўмга ёки 42,1 фоизга камайган.

- **давр харажатлари** 719,9 млрд. сўмни ташкил қилган ва бизнес-режа кўрсаткичига (534,5 млрд. сўм) нисбатан 185,4 млрд. сўмга кўпайган;

- **молиявий харажатлар** 4 922,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, ушбу харажатларнинг катта салмоғи жамиятда мавжуд валюта кўринишидаги кредиторлик қарздорликлардан вужудга келган валюта курслари фарқидан ҳисобланган зарарлардан иборат.

Ишлаб-чиқариш таннари харажатларининг асосий улуши, яъни 89,9 фоизи табиий газ сотиб олишга тўғри келади.

Жамият бўйича 2022 йилдаги молиявий натижа, яъни зарар миқдори 2 168,4 млрд. сўмни ташкил қилган.

Салбий молиявий натижа авваламбор, республика ички истеъмолчиларига табиий газни етказиб беришда Жамият томонидан маҳсулотни тақсимлаш шартномаси асосида табиий газ ишлаб чиқарадиган корхоналардан юқори нархларда сотиб олиб, уларни тан нархидан паст нархларда сотиши билан изоҳланади.

**Иқтисодий таҳлил
Департаменти бошлиғи**



Ш.Ишмухамедов

**2022 йил Бизнес-режасининг (йиллик харажатлар сметаси)
ижроси юзасидан маълумот**

млн.сўм

Кўрсаткичлар	режа	амалда
Соф тушум	19 402 351	16 588 382
Ишлаб чиқариш таннархи	29 679 152	17 223 969
Ялпи фойда	-10 276 801	-635 587
Давр харажатлари	534 466	719 903
Маъмурий харажатлар	85 162	102 698
Бошқа операцион харажатлар	449 305	617 205
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	629 910	921 791
Асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар)	-10 181 358	-433 740
Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	88 601	3 187 357
Молиявий фаолият харажатлари	859 033	4 922 054
фоизлар кўринишидаги харажатлар	100 763	572 316
валюта операциялари бўйича салбий курс фарқларидан кўрилган зарарлар	758 270	4 349 738
Умумий иқтисодий фаолиятдан олинган фойда (зарар)	-10 951 790	-2 168 376
Солиқ тўлашдан олдинги фойда	-10 951 790	-2 168 376
Даромад (фойда) солиғи		
Соф фойда (зарар)	-10 951 790	-2 168 376

**Иқтисодий таҳлил
Департаменти бошлиғи**



Ш.Ишмухамедов

**2022 йил давомида «Ўзтрансгаз» АЖ га қарашли компрессор
станцияларида бажарилган ишлар тўғрисида
Хисобот**

“Ўзтрансгаз” АЖ га қарашли компрессор станцияларида 2022 йил давомида табиий газни транспортировкаси учун 13 та станцияларда 125 та газ хайдаш агрегатлари 410 188 соат ишлши таъминланди.

2022 йил давомида мавсумий шароитлардан келиб чиққан ҳолда Жамиятнинг газ транспорт тизимини узлуксиз ишлаш фаолиятини таъминлаш мақсадида жами 45 та дан -125 гача 4 МВт дан 25 МВт кучланишга эга бўлган газ хайдаш агрегатлари жалб қилинди.

Энергия ёқилғи мойлаш ресурслари истемоли:

2022 йил давомида газ хайдаш агрегатларини ҳаракатлантириш учун муқаррар сарф қилинган ёқилғи газининг ҳажми 538 582 140 нм^3 ташкил қилди.

Газ хайдаш агрегатларини 2022 йил давомида ТП22 русумли ёқилғи мойлаш маҳсулотининг ишчи ҳолат давридаги муқарар сарф ҳажми 313 030,38 килограммни ташкил қилди.

КСФ Департаменти бошлиғи



Исаев Б.

Исп: Мусев Б.



Gaznachilik va moliya Departamenti

2022 yil bajarilgan ishlar to'g'risida ochiq ma'lumotlar.

2022 yilning 1 yanvaridan 31 dekabrgacha bo'lgan davrda jami **3767 ta 1 trillion 417,4 mlrd** so'mlik shartnomalar ko'rib chiqish va o'rganish uchun buyurtma qabul qilingan.

Shundan **3 636 ta** umumiy summasi **1 trillion 317,5 mlrd** so'mlik yangi shartnomalar belgilangan tartibda ro'yxatga olindi.

Aniqlangan xato va kamchiliklar hamda tasdiqlovchi hujjatlar taqdim etilmaganligi sababli ro'yxatga olinmay qaytarilgan shartnomalar va to'lov hujjatlari soni 131 ta bo'lib, umumiy summasi **99,9 mlrd** so'mni tashkil etdi

Ish haqi va unga tenglashtirilgan to'lovlar uchun buyurtmalar, ro'yxatga olingan shartnomalar hamda boshqa to'lov hujjatlariga asosan umumiy summasi **1 trillion 217,6 mlrd** so'mlik to'lov hujjatlariga g'azna amaliyotlari amalga oshirildi.

Bundan tashqari, 2022 yil yanvar-dekabr oylari davomida qurilish-ta'mirlash ishlari bo'yicha moliyalashtirish uchun taqdim qilingan talabnomalar va bajarilgan ishlar dalolatnomalarini ko'rib chiqish jarayonida 113 ta jami **84 mlrd 070,3 mln** so'm miqdorida asossiz to'lovlar oldi olindi va jamiyat hisobiga iqtisod qilinishiga erishildi.

IC va bank klient dasturiy ta'minotini takomillashtirish natijasida Respublika bo'yicha magistral gaz quvurlari boshqarmalari to'lov tizimi markazlashtirildi va to'liq nazoratga olindi, ma'lumotlar shaffofligini ta'minlandi.

Shuningdek, 2022 yilda "O'ztransgaz" AJ extiyoji uchun zarur bo'lgan tovar (ish, xizmat) larga bo'lgan talabnomalarni ko'rib chiqish, asosligini o'rganish va optimizatsiya qilish bilan bog'liq ishlar davom ettirildi.

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий АХБОРОТНОМА

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти томонидан 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тизимли асосда ташкил этиш, қуйи тузилмаларда олиб борилаётган ишларни мунтазам ўрганиб бориш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, мурожаатларга сабаб бўлаётган омилларни таҳлил этиш ва уларни бартараф этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига аҳолидан кўплаб мурожаатлар тушишининг олдини олиш мақсадида акциядорлик жамиятнинг деярли барча магистрал газ қувурлари бошқармаларида фаолият кўрсатаётган “фуқаролар қабулхоналари”да аҳоли учун шарт-шароитлар ташкил этилган, жумладан кириш йўллари, асосий кириш жойи, пандуслар, фуқароларни қабул қилиш хоналарига эга бўлиши таъминланган.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида мутахассислар томонидан “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг таркибий тузилмаларига чиқиб мурожаатларда тез-тез кўтариладиган муаммоли масалалар бўйича таҳлиллар ўтказиш, йўл қўйилаётган камчиликлар ва қоидабузарликларнинг сабабларини бартараф этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш чораларини кўриш мақсадида ўрганишлар ўтказилди, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатилди.

Жойларда ўтказилган ўрганишларда мурожаатлар билан бевосита ишлайдиган масъул ходимларга Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун ва моҳиятини етказиш чоралари кўрилди.

Ҳисобот даврида ўрганиш натижалари бўйича тасдиқланган дастурлар асосида “Ўзтрансгаз” АЖ масъул ходимлари томонидан Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талабларнинг мазмун ва моҳиятини тўлиқ тушуниб олиш, амалиётда кенг ва самарали қўллаш мавзусида ўтказилган ўрганишлар сони 21 та ҳамда семинар машгулотлар сони 5 тани ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириқлари асосида “Ўзтрансгаз” АЖ бошқарув раиси ҳамда унинг ўринбосари бошчилигида ишчи гуруҳлар тузилиб, республиканинг барча туман ва шаҳарларида ўтказиладиган сайёр қабуллари тасдиқланган графиклари асосида ташкил этилди.

Ҳисобот даврида ишчи гуруҳлар томонидан республиканинг барча туман ва шаҳарларида жами 77 та сайёр қабул ўтказилди. Жумладан, Қарақалпоғистон Республикасида 4 та, Андижон вилоятида 5 та, Бухоро вилоятида 6 та, Жиззах вилоятида 4 та, Қашқадарё вилоятида 9 та, Навоий

вилоятида 1 та, Наманган вилоятида 8 та, Самарқанд вилоятида 7 та, Сирдарё вилоятида 3 та, Сурхондарё вилоятида 5 та, Тошкент вилоятида 3 та, Фарғона вилоятида 8 та, Хоразм вилоятида 9 та ва Тошкент шаҳар 5 та.

Оммавий ва сайёр қабуллар давомида мурожаат қилаётган фуқаролар муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилиб, қабулларнинг натижадорлигига эришилди, мурожаатларни ҳолис ва тезкор кўриб чиқишга қаратилган аниқ чоралар кўрилди.

Ўтказилган ушбу сайёр қабулларда фуқаролардан жами 174 та оғзаки мурожаатлар тушган бўлиб, кўтарилган муаммоли масалалар жойида мутахассислар томонидан ҳал этилди ҳамда тегишли тартибда тушунтиришлар берилди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида “Ўзтрансгаз” АЖга жисмоний ва юридик шахслардан 389 та бевосита ёзма, 408 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали, 18 та электрон почта орқали ва 252 та оғзаки мурожаатлар келиб тушган. Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши тўлиқ назоратга олинди, 509 таси қаноатлантирилган, 348 таси бўйича муаллифларга тўлиқ тушунтиришлар берилган, 177 таси тугатилган ва 33 таси ўрганиш жараёнида.

Ҳисобот даврида “Ўзтрансгаз” АЖ бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари томонидан бевосита акциядорлик жамиятида шахсий қабулларда 28 нафар, масъул ходимларнинг қабули 24 нафар, ишонч телефони орқали 26 нафар ва сайёр қабулларда 174 нафар шахслар қабул қилинган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда камчилик ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан жавобгарлик чоралари кўрилиши таъминланмоқда.

Шунингдек “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида мурожаатлар кўриб чиқиш натижалари бўйича ОАВда 26 марта чиқиш амалга оширилган. Жумладан телевидение ва радиода 3 та, газеталарда 5 та, акциядорлик жамияти веб-сайтида 18 та чиқишлар ташкил этилган.

Кўп мурожаат келиб тушаётган муаммоли масалалар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ОАВда 3 та, идора тизимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати борасида 1 марта жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадбир ўтказилди. Идора расмий веб-сайтида мурожаатлар билан ишлаш натижалари бўйича жойлаштирилган ҳисоботлар сони 6 та.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида “Ўзтрансгаз” АЖ марказий аппарати, унинг қуйи корхона ва ташкилотларида аҳоли билан бевосита ишлаш, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишни назарда тутувчи тизимда фаолият кўрсатиш чоралари кўрилади.

2022 йил Метролгия Департаменти томонидан бажарилган ишлар бўйича

МАЪЛУМОТНОМА

Фаллаорол магистрал газ қувурлари бошқармасининг табиий газ сарфининг ортиқча йўқотилиши бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди ва тўғридан-тўғри уланган истеъмолчилар ҳамда саноат тармоқлар электрон газ ҳисоблаш ускуналари логин, пароллари кейинги таҳлиллар учун ўзгартирилди.

Самарқанд магистрал газ қувурлари бошқармасига қарашли Самарқанд газ тақсимлаш станциясида жойлашган “Жохонгир НБМ” МЧЖнинг ноқонуний уланиши бўйича суриштирув ва суд мажлисида қатнашилди.

Муборак магистрал газ қувурлари бошқармасига қарашли “Қарши” газ тақсимлаш станциясида жойлашган “Кеш газ пресс” МЧЖ, “Шахрисабиз” газ тақсимлаш станциясида жойлашган “Китоб метан” МЧЖ, “Қамаши-2” газ тақсимлаш станциясида жойлашган “Метан газ асил инвест” МЧЖ электрон газ ҳисоблаш ускунасига ташқи тасир кўрсатилиб газ сарфини камайтирилиши бўйича тергов ва суд жараёнларида қатнашилди.

Тошкент магистрал газ қувурлари бошқармасига қарашли газ тақсимлаш станциялари жойлашган тўғридан-тўғри уланган истеъмолчилар ҳамда саноат тармоқлар ўлчов тармоқларига ўрнатилган торайтирувчи қурилма ва электрон газ ҳисоблаш ускуналари текширилди. Электрон газ ҳисоблаш ускуналари логин, пароллари кейинги таҳлиллар учун ўзгартирилди. Табиий газ ортиқча сарфи ўрганиш ишлари олиб борилди.

АСКУГ тизими орқали электрон газ ҳисоблаш ускуналарига ташқи тасир кўрсатилганлиги аниқланганлиги бўйича Тошкент, Фаллаорол, Самарқанд, Зирабулоқ, Когон, Газли, Муборак магистрал газ қувурлари бошқармалари тўғридан-тўғри уланган истеъмолчиларни “Ўзтрансгаз” АЖ Метрология департаменти ва Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати ходимлари билан биргаликда текшириш ишлари олиб борилди.

Қозоғистон Республикаси Чимкент магистрал газ қувурлари бошқармасига қарашли “Шардар” газ ўлчаш станцияси қурилишидан сўнг метрологик ҳужжатлари ва ультра товушли газ ҳисоблаш ускуналарининг ишлаш жараёни ҳамда храматограф қурилмасининг иш ҳолатлари текширилди.

“Ўзтрансгаз” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖ иқтисодий суд жараёнларида қатнашилди.

Зирабулоқ магистрал газ қувурлари бошқармасининг табиий газ сарфининг ортиқча йўқотилиши бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди ва тўғридан-тўғри уланган истеъмолчилар ҳамда саноат тармоқлар электрон газ ҳисоблаш ускуналари логин, пароллари кейинги таҳлиллар учун ўзгартирилди. 116 кмдаги газ ўлчаш станциясида газ ўлчаш тармоғининг реконструкция қилиш ишларида қатнашилди.

“Ўзтрансгаз” АЖ ҳудудий бўлимларининг саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича тўртинчи поғонали назорат текширув жараёнларида хизмат сафарларга борилди.

“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан буюртма қилинган “Floboss-107” русумли электрон газ ҳисоблаш ускуналарини ҳудудий бўлимларга тарқатилди.

Куз-киш мавсумига тайёргарлик ишлари бўйича ҳар 10 кун давомида маълумотлар йиғиб борилди 2023 йил учун зарур МТР тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш жараёнида иштирок этилди.

“Ўзтрансгаз” АЖ қарашли газ ўлчаш станцияларида ва газ тақсимлаш станцияларида қурилган ўлчов тармоқларининг лойиҳа ҳужжатлари ўрганишларида қатнашилди.

АСКУГ ускунасининг иш ҳолатларини текшириш ва зарурий эҳтиёт қисмлар тўғрисида маълумот тўплаш мақсадида тегишли МГҚБ ходимлари билан биргаликда объектлар ўрганилди.

Барча МГҚБлар учун АСКУГ маълумотларини узатишда юзага келган муаммолар бўйича "RWS" (Перфекстум mobile) компанияси билан музокаралар ўтказилди. "Beeline" ва "COSCOM" (Ucell) компанияларидан SIM-карт қабул қилиниб МГҚБ ходимларига етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги "Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-122-сонли Фармони 2-илоvasи 32-банди яъни "Магистрал газ қувурлари орқали республика божхона чегараларидан олиб ўтиладиган табиий газ микдорлари тўғрисида божхона органларига электрон маълумот узатиш тизимини йўлга қўйиш" мақсадида "Ўзтрансгаз" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитаси ўртасида ахборот алмашиш тўғрисидаги меморандум ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда "Ўзтрансгаз" АЖнинг АСКУГ тизимини божхона қўмитасининг шу каби тизими билан бирлаштириш бўйича ҳамкорлик қилинди.

"UzGasTrade" АЖ билан шартнома тузган "Ўзтрансгаз" АЖга тўғридан тўғри уланган истеъмолчилар АСКУГ тизимидаги шахсий маълумотларни кўриш ва "Худудгазтаъминот" АЖ мутахассисларига АСКУГ тизимидаги шахсий маълумотларни кўриш имкониятини тақдим етилди.

Янги автоматлаштирилган тизимга уланиш учун магистрал газ қувурлари объектларида ўрнатиш учун сенсорлар ва ҳарорат датчикларини ҳамда магистрал газ қувурларининг электрон газ ҳисоблаш ускуналарини калибрлаш учун босим калибраторларини сотиб олиш учун техник шартларни ишлаб чиқилди.

Flowlink дастурининг ишлаши пайтида юзага келадиган носозликлар ва хатоларни бартараф етиш учун Flowlink дастури (АСКУГ system дастурий таъминоти) дастурчилари билан ҳамкорликда ишлар олиб борилди.

Flowlink фойдаланувчилар маълумотлар базасини текшириш. Фаол бўлмаган фойдаланувчиларни ўчириш (маълумотлар базасини тозалаш).

Газ тақсимлаш станцияларига уланган янги ўлчов тармоқларини АСКУГ тизимига уланди (50 дан ортиқ электрон газ ҳисоблаш ускуналари). АСКУГ ускуналари учун уяли алоқа операторларига тўлашга ортиқча сарф харажатларни олдини олиш устидан назорат мунтазам амалга оширилди.

АСКУГ маълумотларни узатиш учун ишлатиладиган, ишдан чиққан SIM ва RUIM карталарини алмаштириш ва АСКУГ тизимининг ишлаши устидан кунлик операцион назорат ишлари олиб борилди.

"Ўзтрансгаз" АЖнинг объектларининг уяли алоқа операторлари томонидан камров зонаси жадвалини тузиш. АСКУГ тизимига рухсатсиз уланишлар аниқланган.

АСКУГ тизимининг зарур эҳтиёт қисмлари сони тўғрисида маълумот тўплаш ва АСКУГ тизимининг ишлашини текшириш билан МГҚБларнинг саноатни автоматлаштириш бўлим ишларини назорат қилиш ишлари амалга оширилди.

Метрология Департаменти бошлиғи в.б.

В.А.Цой

**“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан 2022 йил давомида товар (иш, хизмат)лар харидларини амалга ошириш учун тузилган шартномалар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

2022 йил якунлари бўйича “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан **313,1 млрд. сўмлик** (4371 та) шартномалар тузилди. Жами тузилган шартномалардан **152,3 млрд. сўм** (1603 та) хизматлар учун ва **160,8 млрд. сўм** (2768 та) бўлган қисми товарлар сотиб олиш учун тузилган. Шундан:

- I чоракда 124,3 млрд. сўм (909 та);
- II чоракда 48,6 млрд. сўм (965 та);
- III чоракда 62,6 млрд. сўм (1188 та);
- IV чоракда 77,6 млрд. сўм (1309 та) шартномалар тузилган.

1. “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан маҳаллий корхоналар билан тузилган шартномалар.

2022 йил якунлари бўйича “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан ички бозордаги маҳаллий етказиб берувчи корхоналар билан **230,9 млрд. сўмлик** (4358 та) шартномалар тузилди. Булардан **101,4 млрд. сўм** (1596 та) хизматлар ва **129,5 млрд. сўм** (2762 та) бўлган қисми товарлар сотиб олиш учун тузилган. Шундан:

- I чоракда 90,9 млрд. сўм (907 та);
- II чоракда 21,4 млрд. сўм (960 та);
- III чоракда 62,6 млрд. сўм (1188 та);
- IV чоракда 56,0 млрд. сўм (1303 та) шартномалар тузилган.

Маҳаллий корхоналар билан тузилган шартномаларни харид турлари бўйича таҳлили:

- Энг яхши таклифларни танлаб олиш – 23,9 млрд. сўм (33 та);
- Аукцион савдолари – 18,2 млрд. сўм (1015 та);
- Электрон дўкон – 16,7 млрд. сўм (1544 та);
- Миллий дўкон – 2,7 млрд. сўм (430 та);
- Кооперацион биржа – 48,4 млрд. сўм (354 та);
- СПОТ – 17,3 млрд. сўм (48 та);
- Тўғридан-тўғри – 64,9 млрд. сўм (737 та);
- Ягона етказиб берувчилар – 38,2 млрд. сўм (195 та);
- Танлов – 558,8 млн. сўм (2 та).

2. “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан тузилган импорт шартномалари.

2022 йил давомида “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан хорижий корхоналар билан қиймати **7,2 млн. доллар** бўлган (13 та) импорт шартномалари тузилган. Улардан **2,7 млн. доллар** (6 та) товарлар ва **4,5 млн. доллар** (7 та) хизматлар сотиб олиш учун тузилган. Жумладан:

- I чоракда қиймати 2,9 млн. доллар (2 та);
- II чоракда қиймати 2,4 млн. доллар (5 та);
- IV чоракда қиймати 1,9 млн. долларга (6 та).

Хорижий етказиб берувчи корхоналар билан тузилган импорт шартномаларни харид турлари бўйича таҳлили:

- Энг яхши таклифларни танлаб олиш – 522,6 минг доллар (4 та);
- Тўғридан-тўғри – 5,2 млн. доллар (7 та);
- Тендер – 1,4 млн. доллар (2 та).

Буюртмаларни қабул қилиш
ва таҳлил бўлими бошлиғи



Назаров Ф.